Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
7 июнь
ЧОРШАНБА

№ 44
(11.847)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

## ҲАМКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Компартияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси Доимий қўмитасининг аъзоси Ли Чанчунни қабул қилди.**

– Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, маданият, таълим каби соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, – деди Ислом Каримов. – Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг бугунги ҳолатини, алоқаларнинг ҳозирги суръатини юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз.

Мамлакатларимизнинг анъанавий дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ўзаро ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият касб этади. Ҳамкорликнинг барча соҳаларини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон-Хитой муносабатлари қарийб 150 давлатлараро ва бошқа мақомдаги ҳужжатларга асосланади. Айниқса, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзолангани икки томонлама алоқалар тарихида муҳим воқеа бўлди.

2005 йилда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 485 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 202 фоизга ўсди.

Яна бир эътиборга молик томони шундаки, мамлакатларимиз ўртасида изчил ривожланиб бораётган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик нафақат Ўзбекистон-Хитой алоқалари, балки минтақавий ва халқаро миқёсдаги кўп томонлама муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бунга Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги алоқалар яхши мисолдир. Жаҳон сиёсат майдонида бу ташкилотнинг нуфузи тобора ортмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Парламентлараро ва сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид фикрлар илгари сурилди. Ижтимоий– маданий алоқалар ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик борасида сўз юритилди.

**ЎзА.**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 8 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

*Фармон ва ижро*

## ТЕКШИРИШЛАР САМАРА БЕРАЯПТИМИ?

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши Оҳангарон шаҳрида ўтди. Унда ҳудудий комиссия аъзолари, назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссияларининг раислари ва котиблари, Оҳангарон тумани ва шаҳри ҳудудий комиссияларининг аъзолари иштирок этишди.**

Йиғилишни вилоят ҳокими, ҳудудий комиссия раиси Мирзамашрап Куччиев бошқарди.

Оҳангарон туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳудудий комиссияларнинг раислари М. Мирзабоев ва А. Манноновларнинг текширишларни тартибга солиш борасидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлашга қаратилган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Текширувларни тартибга солиш, назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб, ўтган йили туманда 108 та, шаҳарда эса 234 та текшириш ўтказилган. Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларига риоя қилиш натижасида текширишларни камайтириш тамойили барқарор тус олиб бормоқда. Фармон моҳиятини назорат идоралари ходимларига етказиш, уларнинг масъулияти ва иш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилган. Айни пайтда тадбиркорларни фармон қоидалари билан таништириш бирмунча жонланди.

Лекин бу жараёнда ҳамма иш ҳам етарли деб бўлмайди. Айрим назорат идораларининг масъул ходимлари текширишларга киришаётиб, оддий талаб-текширишларни қайд қилишни «унутиб» қўйишган. Жумладан, Оҳангарон туман ер ресурслари бўлими ва давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Савдогарбанк»нинг маҳаллий бўлими, ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари шундай камчиликларга йўл қўйганлиги кўрсатиб ўтилди.

Текширишларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари талабларининг вилоят ер геодезкадастр бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бажарилиши билан боғлиқ масала хусусида бошқарма бошлиғи А. Абдужалиловнинг ахбороти тингланди. Бошқармада текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар шаҳодат синовидан ўтказилган. Лекин кейинги йилларда текширишларнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Чунончи, 2004 йили 169 та, 2005 йили 179 та текшириш ўтказилган. Шунга қарамай, йиғилишда бошқарма айрим масалаларни назоратдан четда қолдираётгани кўрсатиб ўтилди. Чунончи, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ва вилоят ҳудудий комиссияси қарорлари бажарилмаган, ишда ошкоралик таъминланмаган. Текширувлар натижаларини расмийлаштиришда юзакичиликка йўл қўйиш ҳоллари мавжуд. Илгари аниқланган камчиликларни бартараф этиш жараёни назорат тартибида ўрганиб борилмаган. Текширишларни белгиланган тартибда қайд этмаслик ҳолларига йўл қўйилган. Вилоят адлия бошқармаси тақдимномасига асосан Бекобод туманидан ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимининг бош мутахассиси Г. Усмонов ўз лавозимидан озод этилди. Оҳангарон туманидан эса бош мутахассис А. Ўринбоевга хайфсан берилди.

Шунингдек, йиғилиш вилоят жамоатчилик кенгаши ва унинг қуйи бўғинлари фаолиятини такомиллаштириш, унга фаол тадбиркорларни кенгроқ жалб қилиш ва бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди. Барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### Мустақилликнинг 15 йиллигига

### 1. ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

**Бугун вилоятимизнинг қай бир гўшасига борманг, истиқлол берган имкониятлар самараси ўлароқ юзага келган ўзгаришлар, юксалишларни кўриб, қувонасиз. Оддий одамлар билан суҳбатлашсангиз, ўтаётган йиллар улар онгу шуурида беиз кетмаганига, эзгу орзу умидлар, катта мақсадлар сари руҳлантираётганига амин бўласиз.**



## Чиноз тумани: ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ЙЎЛИДА

Тошкентдан чиқиб, Чиноз томон элтувчи кенг ва равон йўллардан борар эканмиз, хаёлимизни шу каби фикрлар чулғаб олди. Манзилга етгач, мамлакатимиз мустақиллиги кўп қатори Чиноз ва чинозликлар учун ҳам беқиёс имкониятлар эшигини очиб берганини ҳис этдик.

Чиндан ҳам кейинги йилларда Чиноз тумани барча жабҳаларда юқори мавқега эга бўлиб бормоқда. Туманнинг ташкил этилганига етмиш йилдан зиёдроқ вақт ўтди, бироқ мустақиллик йилларида Чиноз қайтадан юз очди: чор-атроф қиёфаси кўркамлик касб этди, янги ижтимоий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди, салобатли корхона ва фабрикалар юзлаб инсонларга эшик очди, кўплаб савдо, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, гузарлар бунёдга келди.

Бугун тумандаги 8 та қишлоқ, 2 та қўрғон, 60 га яқин маҳаллада 118 мингга яқин киши истиқомат қилади. Аҳолининг 98,5 фоизи тоза ичимлик суви, 98 фоизи табиий газ билан таъминланган.

Ҳудудда 6 та ширкат, 616 та фермер хўжаликлари, 5 та йирик саноат корхоналари, 2 та қурилиш ташкилоти, 200 дан ортиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Туманда ўтган йил якуни бўйича 6,8 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг салмоқли қисми аграр тармоқ улушига тўғри келади.

— Туманимиз аввалдан қишлоқ хўжалигида бой тажриба орттириб келган, — дейди туман ҳокими Бозорхўжа Эшонов. — Соҳанинг асосий тармоқлари ҳисобланган пахта, ғалла, пилла етиштиришда чинозлик деҳқонлар ҳамиша илғорлик қилишган. Ўйлаймизки, бу анъана йилдан-йилга бойиб, такомиллашиб бораверади. Галдаги асосий вазифамиз, ҳудудимизда саноатни кенгроқ ёйиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятига кенг йўл очиш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Бу борада туманимизда ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар, ишга солинмаган куч-ғайрат етарли. Энг муҳими, Чиноз аҳли меҳнатсевар, янгиликка, илғорликка интилувчи, ташаббус, изланиш қилишга мойил.

Ҳақ гап. Чинознинг оддий деҳқону сувчисидан тортиб, миллионер фермеру тадбиркоригача ўзига ошиён бўлган серфайз ҳудуднинг бугуни ва эртанги тақдири, фаровонлиги учун ёниб яшайди. Ҳар бир чинозлик ўз заминида қад кўтараётган порлоқ келажак деб аталмиш маҳобатли иморатга битта ғишт қўйиш, ўзидан муносиб из қолдириш иштиёқида.

— Ана шундай инсонлардан бири маҳалламиздаги хусусий тадбиркор Қобил Маҳмудов бўлади, — дейди Хўжа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Собир Раимов. — Яқинда у ўз маблағлари ҳисобидан шундоққина марказ биқинида муҳташам гузар мажмуасини қуриб битказди. «Отажон ҳожи» гузарининг довруғи бугун нафақат Чинозда, балки бутун вилоятда оғизга тушди. Бу ерда тикувчилик, новвойхона, орасталик хоналари, спорт зали, шунингдек, ёшларни касб-ҳунарга йўналтирувчи тўгараклар иш бошлади. Турфа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳам бор. Бу тадбиркорнинг маҳалладошларига, қолаверса, туман аҳлига муносиб совғаси бўлди.

— Сиз кўриб турган кўмкўк далалар Муқимжонники, — деди бўй чўзиб, кўзга ташланиб қолган ғўза пайкалларини кўрсатаркан, фермер хўжаликлари уюшмаси Чиноз тумани вакиллиги раиси Мирза Раҳмонов. — Муқим Эрхўжаев ишнинг кўзини биладиган фермер, азамат деҳқон. У бугун чинозлик заминдорларнинг сардорига айланди, эл-юртга танилди. Ҳаммаси эмин-эркин меҳнат ва манфаатдорлик учун яратилаётган имтиёз ҳамда имкониятлар туфайли.

Дарҳақиқат, шонли Истиқлол чинозликларга янги куч, янги ғайрат, юксак марраларга элтувчи қудрат, руҳ ато этгани рост. Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик бошланган шу кунларда бу ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қурилиш, ободонлаштириш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Саноат корхоналарининг тўла қувват билан ишлаши, ҳудудларда мукаммал бозор инфратузилмалари ва турфа хизмат кўрсатиш мажмуалари фаолиятини такомиллаштириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Далаларда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун пухта замин ҳозирланаётир.

Демакки, туман аҳли катта тўйни муносиб тўёналар билан қарши олиш ниятида.



*СУРАТДА: туманнинг Хўжа маҳалласида бунёд этилган «Отажон ҳожи» гузари файзли ва гавжум масканга айланган.*

*Бир йиғилиш тафсилоти*

**Нуробод — ўз номи билан нурчилар шаҳарчаси. У Марказий Осиёда энг йирик иссиқлик электр станциясининг қурилиши билан басма-бас қад ростлаган. Тошкент — Ўш магистраль автомобиль йўлининг устида жойлашган бу замонавий шаҳарчада бугунги кунда олти мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга иссиқлик электр станцияси, ТСК, «Нуробод-нон» корхонаси, касб-ҳунар коллежи, 2-умумтаълим мактаби ва бозор жамоалари салмоқли ҳисса қўшаяпти.**

## МАҚСАД ФАҚАТ РАИСНИ САЙЛАШМАС-КУ...

Нуробод фуқаролар йиғинининг ҳисобот-сайлов йиғилишида маърузачи Муқаддас Йўлдошева кейинги йилларда амалга оширилган ишларга тўхталиб, кўпмиллатли шаҳарча аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни яхшилашга, турли байрамларни биргаликда нишонлашга эътибор кучайганлигини, байналминал тарбия маънавий соҳадаги фаолиятнинг етакчи йўналишига айланганлигини алоҳида таъкидлади. Чунончи, мамлакатнинг таниқли санъаткорлари, сўз усталари иштирокида концертлар ташкил этилаётир. Миллий байрамларни турли миллат фарзандлари баҳамжиҳат нишонлашлари ҳам яхши аънана бўлиб қолди.

— Ҳисобот даврида аҳолининг кам таъминланган қатламларини, кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди, — деди маърузачи. — Бу тоифа хонадонлар 15 миллион сўмдан кўпроқ ёрдам пули олишди. Аҳолининг уй-жой шароити яхшиланмоқда. 208 оилага алоҳида хонадонлар ажратилганлиги бунинг далили бўла олади. Сўнгги бир йилдагина Янги Ангрен ИЭС маъмурияти кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловлардан қарзларини қоплаш учун 27 миллион сўм маблағ ажратди.

Маърузачи шаҳарчада тўпланиб қолган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги жумбоқларга ҳам алоҳида тўхталди. Чунончи, нафақаларни вақтида ололмаслик, гоҳида алоқачилар томонидан пенсия пулларини ўзлаштириб юбориш ҳоллари юз берди. Шаҳарчада паспорт тизимини тартибга солиш билан ҳамон жиддий шуғулланилмаётир. Шуни айтиш кифояки, бугунги кунда ҳам хонадонларга ўзбошимчалик билан кириб олиш, коммунал

(Давоми 2-бетда).

## БИОХИЛМАХИЛЛИКНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

***Маълумки Ғарбий Тяньшан тоғлари биохилмахиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё чегаралараро лойиҳаси амалга оширияпти.***

Паркент шаҳрида 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва таълим муассасалари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Лойиҳа маҳаллий аҳоли, нодавлат, нотижорат ташкилотларга атроф-муҳитга кўрсатилаётган салбий таъсирни камайтириш, экологик мувозанатни таъминлаш учун қўшимча даромад келтирувчи ва барқарор фаолият турини жорий этиш мақсадида кичик грантлар тақдим этмоқда. Бундай молиявий ёрдам кўрсатиладиган ҳудуд сифатида Паркент туманидаги Заркент, Невич, Навдак, Сўқоқ қишлоқлари танланди. Натижада мевани қайта ишлаш, экотуризм ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, доривор ўсимликлар етиштириш сингари фаолият турлари йўлга қўйилиб, қарийб тўрт юз элликта иш ўрни яратилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚЎШМА СЕМИНАР

***Тошкентдаги "Дедеман" меҳмонхонасида "IBM" ва "TS-Technology" компанияларининг қўшма семинари ўтказилди.***

Унда мазкур трансмиллий корпорациянинг Ўзбекистон ҳудудида амалда қўлланилаётган Intel-серверлар авлодининг янги маҳсулотлари намойиш этилди.

IBM компаниясининг ҳудудий менежери Дилшод Мақсудхоновнинг таъкидлашича, Ўзбекистон бозорида янги маҳсулотларни сотиш маҳаллий шериклар ёрдамида амалга оширилмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

*Қарор ва ижро*

## БИРЖА САВДОЛАРИ: ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

***Республика Кўчмас мулк биржаси вилоят филиали директори вазифасини бажарувчи Меҳрож Қурбонов билан суҳбат***

**— Меҳрож Муродович, республика Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори кучга кирганига бир ярим йилдан ошди. Шу даврда филиал томонидан қарор ижроси юзасидан амалда нима ишлар қилинди?**

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, вилоятимизнинг пойтахтга яқинлиги сабабли табиий ҳамда саноат ишлаб чиқариш имкониятлари кенглиги жиҳатидан республикада энг қулай шарт-шароитга эга вилоятлардан бири ҳисобланади. Албатта, бу табиий қулайлик ва имкониятлар вилоят халқ хўжалиги барча соҳаларини барқарор ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Бошқа устувор соҳалар каби вилоятда кўчмас мулк бозорлари ҳам қулай шарт-шароит туфайли тез ва изчил ривожланиб бормоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, фақат 2005 йилнинг ўзида кўчмас мулк, қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, уй-жой қуриш, шахсий томорқа хўжалигини юритиш учун умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан ер майдонлари каби 1975 та объект бўйича жами 5 миллиард 323 миллион сўмликдан кўпроқ битимлар қайд этилди. Биржа савдолари орқали эса 1345 та объект 5 миллиард 117 миллион 430 минг сўмга сотилди.

Шунингдек, савдога қўйилган 692 та давлат объекти ўз харидорини топган бўлса, шундан 57 та давлат объекти 1 миллиард 267 миллион 517 минг сўмга сотилиб, Президент қарори ижроси юзасидан белгиланган режа 150,8 фоиз қилиб бажарилди. Шу йилнинг биринчи чорагидаги савдо якунлари ҳам салмоқли бўлди. Чунончи, 19 та давлат объекти 154 миллион 493 минг сўмга сотилиб, режа 140,4 фоиз қилиб бажарилди.

**— Уй-жой қуриш ва шахсий томорқа хўжалигини юритиш мақсадида ер майдонларини сотиб олиш асосан қайси ҳудудларда кўпроқ кузатилаяпти?**

— Вилоят ҳамда Тошкент шаҳри аҳолиси тез ўсиб бораётганлиги муносабати

(Давоми 2-бетда).

*Бугуннинг гапи*

# СОМОННИ УВОЛ ҚИЛМАНГ

**Мамлакатимиз аграр соҳасининг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўларок, бугунги кунда мамлакатимизда фермерлар чинакам мулк эгаларига айланди.**

Уларнинг истиқболи, эртанги кунига катта умид ва ишонч билан қаралаётир. Жамиятнинг янги мулкдорлари сафи яратилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, вилоятимизда ҳам қисқа муддатда мустақил, эмин-эркин фаолият юритаётган фермерлар 20 мингдан ошиб кетди.

Маълумки, айни кезларда вилоятимиз далаларида мўл ва сифатли ғалла ҳосили етиштирилди. Галдаги энг муҳим вазифа машаққатли меҳнатлар эвазига яратилган ҳосилни нест-нобуд қилмай ўриб-янчиб олишдир. Ҳозир ғаллакорларимиз пухта тадорик ва юксак уюшқоқлик билан элимиз ризқ-рўзини йиғиштириб олишга киришдилар.

Мавсумдаги яна бир муҳим эътибор талаб этадиган масала ғалладан бўшаган майдонларда сомонга ўт қўйиб юборишдек ножоиз ҳаракатларнинг олдини олишдир. Яқинда матбуотда эълон қилинган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг республикамиздаги барча фермер хўжаликлари раҳбарларига, маҳалла фаоллари ва ёшларга мурожаати ҳам ана шу долзарб масалага қаратилгани бежиз эмас. Унда таъкидланганидек, буғдойпояларни ёқиш, энг аввало, чорвачиликнинг муҳим озуқаларидан бири бўлган сомоннинг нобуд бўлишига, табиатнинг ифлосланишига, экологик мувозанатнинг бузилишига, ҳосилдор тупроқ қатламининг зарарланишига, фойдали ҳашаротлар қирилиб кетишига ва охир-оқибатда, инсон саломатлигига путур етишига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан ҳам, мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил ғалла ҳосилини тез ва сифатли йиғиштириб олиш борасидаги қарорида буғдойпояларга ўт қўйишга мутлақ барҳам бериш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиланиб, жойлардаги тегишли идоралар раҳбарлари ва мутасаддиларига аниқ топшириқ ва вазифалар берилди.

Юртимизда чорвачиликни изчил ривожлантиришга бор куч ва имкониятлар ишга солинаётган бир вақтда чорва озуқаси ҳисобланган сомонни йиғиб, саранжомлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан чорваларнинг озуқа базаси ҳам мустаҳкамланади. Мисол учун бир дона сомон тахлами (пресс)нинг нархи ҳозир 500 сўм атрофида. Декабрь-январь ойларида эса баҳоси икки баравар ортиши мумкин. Шунинг ўзи ҳам сомонни нобуд қилмасдан, йиғиштириб олиш яхшигина даромад манбаи эканлигидан далолат беради.

Халқимизнинг ризқ-насибаси унадиган она замин бебаҳо бойлигимиздир. Ундан самарали фойдаланиш, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш аввало, ер эгалари, катта-кичик заминдорларнинг асосий бурчи, вазифаси бўлмоғи керак.

**Тўлқин ТЎРАЕВ,**
**фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги раҳбари.**

*Экосаёҳат*

**Республика «Экотуризм» ташкилоти «Экосан» халқаро ташкилоти ҳомийлигида Тошкент вилоятида тадбир ўтказди.**

# УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Тошкент Давлат техника университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабалари ҳамда экосанчилар Бўстонлиқ тумани ҳокимлигида «Экосан» халқаро ташкилоти вакилларининг аҳоли билан учрашуви ва ташкилотнинг жами 2 миллион сўмлик хайрия буюмларини 105 та кам таъминланган оилаларга тарқатилиши ҳамда туман марказий шифохонасига кўрпа-тўшак ғилофлари, оқсил дезинфекция моддаси ва бошқа буюмларни топшириш тадбирида иштирок этдилар. 125- ва 6-меҳрибонлик уйлари, туман марказий шифохонаси раҳбари «Экосан» халқаро ташкилотига «2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ижросига оид фаолияти, жумладан, бугун бўстонлиқликларга ҳам хайрия ёрдами бериш мақсадидаги ташрифи учун миннатдорчилик билдирдилар.

Анжуман иштирокчилари тоғли «Чимён» ҳудудида ҳашар уюштирдилар. Саёҳатга ва дам олишга келган ҳамюртларимиз қолдирган чиқиндилар, ахлатлар йиғиштирилиб, бир неча юк автоуловларида олиб чиқиб кетилди.

Тоғ бағридаги кўм-кўк майсазорда ташкил этилган давра суҳбатида мутахассислар бугунги экологик вазият, табиат ва унинг неъматларини, айниқса, сув, ер, ҳаводан асраб-авайлаб фойдаланиш хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Ўзбекистоннинг «Швейцарияси» деб аталмиш Бўстонлиқ замини билан фахрланиш билан бирга, уни авайлаш ва бундай жойларни дунёга кўз-кўз қилиш, экотуризм соҳасини ривожлантириш орқали давлатимиз иқтисоди ривожига ҳисса қўшиш имкони борлигини таъкидладилар.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.**

# ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН ТАНЛОВИ

**Республика давлат болалар кутубхонасида улғайиб келаётган авлоднинг китобхонлик маданиятини ва мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш мақсадида давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.**

Мазкур зиё масканида ўтказилган болалар китобхонлиги ҳафталиги ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди.

Ҳафталик «Энг яхши китобхон» республика кўрик-танлови билан якунланди. Унинг туман ва вилоят босқичларида ўн минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тўрт босқичда ўтган беллашувда Урганч шаҳридаги 21-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Насиба Ражабова ҳамда Самарқанд шаҳридаги 63-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Баҳорой Бурхонова олий совринга сазовор бўлди.

**ЎзА.**




## ДАРДИМ АРИДИ

Яқинда бахтсиз тасодиф туфайли автоҳалокатга учрадим. Шифокорларнинг айтишларича, касалхонага келтиришганда аҳволим жуда оғир экан. Хайриятки, уларнинг елиб-югуришлари сабаб яна ҳаётга қайтдим.

Оёққа туришимда беминнат ёрдам кўрсатган Ўртачирчиқ тумани марказий шифохонаси шифокорларию ҳамшираларидан миннатдорман. Айниқса, шифокор Нурсаид Ражаповнинг тиббий маҳорати ва бир неча йиллик тажрибаси ҳали кўплаб беморларнинг дардига малҳам бўлса, ажабмас.

***Роза ДУШАБЕКОВА,***
***Ўртасарой қишлоғи.***

Чиноз тумани:

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ЙЎЛИДА




## 3. ОНА ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

**Чинозни чинакам деҳқонлар юрти, дейиш мумкин. Бунинг боиси шуки, туманнинг тажрибали, уқувли, ҳалол, танти деҳқонларининг тинимсиз меҳнатлари, куч-ғайратлари эвазига бу ерда аграр соҳанинг муҳим тармоқлари ҳисобланган пахта, ғалла, пилла етиштириш бўйича шартнома режалари нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда илғорлар сафида адо этилади.**





***СУРАТЛАРДА:** туман машина-трактор парки жамоаси мавжуд техникаларни ғалла ўримига тайёрлашда намуна кўрсатишди; «Гулзоробод» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Баҳром ота Умаров ҳосил чўғини чамаламоқда.*

Шунингдек, туманда боғдорчилик, сабзавотчилик, полиз ва картошкачилик ҳамда чорвачилик ҳам жадал ривожланмоқда. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бугун вилоятимиз қишлоқ хўжалигида ўзига хос ва ўзига мос бўлган Чиноз тажрибаси шаклланиб улгурди.

Бугунги кунда туман бўйича қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 18179 гектарга етади. Шу жумладан, ҳар йили ўртача 7500 гектар ерда пахта, 7205 гектар майдонда ғалла етиштирилади. Боғ ва узумзорлар қарийб 900 гектарга етган. Чорвачилик эса асосан гўшт, сут ва тухум етиштиришга ихтисослашган.

Мамлакатимиз аграр соҳасида олиб борилган ва босқичма-босқич давом этаётган изчил ислоҳотлар туман қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам ўз самарасини намоён этмоқда. Ўтган икки йил ичида тумандаги бир қатор истиқболсиз, паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилди. Ҳозир 6 та иқтисодий барқарор хўжалик ширкат мақомида фаолиятини давом эттираётир.

Туманда жамиятнинг истиқболли мулкдорлари саналаётган фермерлар сафи ҳам тобора кенгайиб, тизим ривожи учун бекиёс имкониятлар яратилаётир. Мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг тармоқ истиқболини таъминлашга қаратилган қарорларининг ўз вақтида, бекаму кўст ижро этилаётгани, айниқса, оддий қишлоқ кишиларида эртанги кунга ишонч ҳисси кучайиб, ерга, мулкка эгалик ҳамда меҳнатга бўлган муносабатнинг шаклланиб бораётгани ҳудудда фермерлик ҳаракатининг ривожланиб, тармоқ самарадорлигининг ошиб боришида асосий омил бўлмоқда. Айни вақтга келиб, туманда мустақил, юридик мақомга эга фермерлар сони 616 кишига етди. Тумандаги умумий қишлоқ хўжалик экин майдонларининг 12327 гектари улар ихтиёрида. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 80 фоиздан ортиғи фермерлар улушига тўғри келаётгани ҳудудда тизим истиқболи нечоғли ёруғ эканлигидан далолат бериб турибди.

Чиноздаги Муқимий, «МГМ», «Барака», «Юлдуз», «Зарафшон», «Севара-агро» каби ўнлаб фермер хўжаликлари нуфузи ва довруғи вилоятга таралиб улгурди. Хусусан, Муқимий номли фермер хўжалиги соҳиби Муқим Эрхўжаев ҳар қарич ернинг қадрига етиб, бебаҳо заминимиз имкониятларидан самарали фойдаланиб, эл-юрт орасида обрў-эътибор топиб келаётган заминдорлардан саналади. Кўп йиллардан бери «Ташаббус» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида совринли ўринларни бой бермай келади. Унинг бугунги салоҳияти, мавқеига кўпчилик ер эгалари ҳавас қилсалар, тажрибасидан андоза олсалар арзийди.

— Ҳар қандай муваффақиятнинг калити ҳалол меҳнатда, — дейди фермер. — Миллий мустақиллигимиз, эрку озодлигимиз ана шу ҳаракатларимиз ривожи, натижаси учун имконият эшикларини кенг очиб берди. Бугун ер эгаси ўзи етиштирган маҳсулотнинг тўлақонли эгаси. Шу билан бирга юртимизда деҳқонга қанот берувчи, ишбилармонликни қўллаб-қувватловчи мустаҳкам ҳуқуқий асослар мавжуд.

Юқорида таъкидланганидек, пахта, ғалла, пилла етиштиришда чинозлик деҳқонлар ҳамиша илғорлик қилишади. Туман пахтакорлари ўтган йили давлат эҳтиёжлари учун 23302 тонна қимматбаҳо хом ашё топшириб, шартнома режасини 117,2 фоизга уддалашга муваффақ бўлдилар. Бошқача қилиб айтганда, вилоят хирмонига белгиланганидан қарийб 3500 тонна кўп «оқ олтин» тўкилди. Ўртача ҳосилдорлик 31 центнерга етди. Ғаллакорларнинг муваффақияти ҳам салмоқли. Ўтган мавсум улар режадаги 29650 ўрнига 31366 тонна дон топширишди.

Туманда чорвачилик ҳам ривожланмоқда. Бугун бу ерда 5 та хусусий чорва хўжаликлари мавжуд. Уларда парваришланаётган моллар туёғи 1400 тага етиб қолди. Ўтган йили туманда гўшт етиштириш 7, сут етиштириш 75 тоннага ошди. Тармоққа татбиқ этилаётган илғор тажрибалар, хусусан, кейинги пайтларда изчил ислоҳотлар ва мақсадли саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, бу йил тармоқ кўрсаткичлари барқарор ўсиб бораётгани кузатилмоқда.

Ўтаётган ҳар бир кун жиддий синовлардан иборат. Соғлом рақобат муҳитида иқтисодий барқарорликни қўлдан бермай келаётган ширкат хўжаликлари пудратчилари эришаётган натижалар ҳам алоҳида эътирофга лойиқдир.

«Гулзоробод» — тумандаги ана шундай илғор ширкат хўжаликларидан ҳисобланади. Хўжалик деҳқонлари давлатга ҳар йили 2000 тоннага яқин буғдой, қарийб 1300 тонна «оқ олтин» етказиб берадилар. Деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги доимий эътиборга олиниб, улар меҳнатининг қадр топиб бораётгани боис, ҳосилдорлик буғдойдан ўртача 50, пахтадан 33-34 центнерни ташкил этаётир.

Дарвоқе, бу хўжалик ҳақида гап кетганда, кўпчилик бош пудратчи Баҳром ота Умаровни алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Соҳада салкам 60 йиллик тажрибага эга бу уста деҳқон бошлиқ оилавий пудратчилар қарамоғида 62 гектар ғалла, қарийб 80 гектар пахта бор.

— Бугун-эрта буғдойга ўроқ тушади, — дейди бош пудратчи. — Ҳисоб-китобимизга кўра, ҳосилдорлик 60 центнердан кам бўлмайди. Аъзоларимиз бу кунларни интиқлик билан кутишди. Эрта-индин уйимиз донга тўлади. Ғўзаларимиз ҳолатидан ҳам кўнглимиз тўқ. Ҳар гектарда 85-90 минг кўчат бор. Бу ҳеч шубҳасиз, 35-37 центнердан ҳосил дегани. Албатта, навбатдаги масъулиятли агротехник тадбирларни вақтида, ҳар тарафлама пухта ўтказиб олсак бўлгани.

Ҳа, Баҳром ота мисолида чинозлик деҳқонларнинг бир сўзлиги, меҳнатсеварлиги, қилаётган ишидан хушнудлиги, эртанги кунга ишончи кучлилигини илғаб олиш қийин эмас. Чиндан ҳам, сидқидилдан қилинган меҳнат, у ҳар қанча машаққатли бўлмасин, кишига ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Айниқса, меҳнатдан келган роҳат-фароғат ҳамда фаровонликнинг шукуҳи ўзгача.

## КЎЗГУ ТИНИҚ БЎЛМОҒИ КЕРАК

Ҳар куни оқшомда газета-журнал ўқиш, телевидениеда берилаётган дунё ва юртимиз ҳаётига оид янгиликлардан хабардор бўлиш мен учун одатий ҳолга айланган. Лекин, сўнгги пайтда матбуот ва телеэкранлардаги бир ҳолат мени ажаблантирмоқда. Назаримда журналистлар турли тадбирлар, йиғилишлар, ўқув-машғулотларни ёритишга ружу қўйгандек. Бунинг устига берилаётган матн ва лавҳалар қуруқ воқеаларнинг қуруқ баёнидан иборат бўлиб, таҳлилий, таг замини пухта, мулоҳазага бой, кишиларни ўйлашга ундайдиган мақола ва кўрсатувлар кам.

Юртимизда эришилаётган ютуқларни ҳар қанча кўз-кўз қилсак арзийди. Бироқ, мамлакат ҳаётидаги айрим камчилик ва муаммолар ана шу ютуқлар соясида қолиб кетмаслиги лозим. Зеро, оммавий ахборот воситалари аслида, кенг кўламдаги ислоҳотлар жараёнига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериши, унинг сабаб ва оқибатларини таҳлил этиши лозим. Шундагина бу нашр ёки канал эл назаридан тушмайди, жамиятнинг ҳақиқий кўзгусига айланади.

***Рашидбек ИСМОИЛОВ,***
***Зангиота тумани.***

## СЎЗИНИНГ ЎЗИ ДАВО

Илк баҳор кунлари тобим бўлмай, тез тиббий ёрдам чақиришга мажбур бўлдим. Шифохонага олиб кетишди. У ерда Бусаодат Жумабоева каби шифокорлар ўзларининг ширин сўзлари ва «енгил қўллари» билан жонимга оро киришди.

Шифокорнинг илмидан кўра ширин тили бемор дардига малҳам бўлади, дейишади. Бусаодат опа шундай очиққўнгил, ширинсухан шифокор эканлар. Мен юртимизда шундай тиббиёт ходимларининг кўпайишини истардим.

***О. ТУРҒУНБОЕВА, Бўка тумани.***

## БУ — БИЗНИНГ МАНФААТИМИЗ

Ўн йилдирки, шаҳарга қатнаб ишлайман. Ҳар куни бир неча транспортда юришимга тўғри келади. Гоҳида ишга кетаётиб ёки қайтаётганимда айрим автобус ёки хусусий таксиларга чиқсам асабларим қақшаб, кайфиятим бузилади. Бирига чиқсангиз кийим-бошингиз қора мой бўлса, иккинчисининг моторидан чиқаётган тутунга чидай олмайсиз. Баъзан эътироз билдирсангиз, «чидасангиз шу, бўлмаса таксида юринг» деган дашномни эшитасиз.

Хайриятки, Президентимизнинг тизимдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарори эълон қилинганидан сўнг фақат фойданинг кетидан қувадиган ҳайдовчиларнинг ўзбошимчалигига чек қўйила бошланди. Қолаверса, бу қарор йўловчиларнинг ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишларига яна бир имконият яратди.

Йўловчи ташиш билан фақат юридик шахсларгина шуғулланиши ҳайдовчи ва у бошқараётган машинанинг кунда кўрикдан ўтказилишини таъминлайди. Демак, энди юқоридаги каби эътирозлару машмашаларга ўрин қолмайди. Бу эса йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш билан бирга хизмат сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

***Тоҳир МАҲМУДОВ,***
***иқтисодчи.***

## УЯТДАН ЭМАС, УВОЛИДАН ҚЎРҚАМАН

Яқинда қизимизни турмушга узатдик. Ўзим ўзбекчиликнинг баъзи бир урф-одатларию анъаналаридан йироқ бўлганим учун тўйдан кейинги борди-келдилардаги олди-бердиларни ҳанузгача тушунолмай, гарангман.

Гап шундаки, тўйдан кейин орадан бир ой ўтар-ўтмас қизим келиб қолди. Қўлидаги халтада йигирматача бозорнинг олди патир нони. Аввалига қизим ота-онасини ҳурмат қилиб олиб келган бўлса керак деб қўяқолдим. Хайрлашиб кетаётганида олиб келган ҳалтасини нони билан қўлига тутқаздим. Қизим ҳайрон бўлиб юзимга қаради.

— Қизим, уйда мен ва онангиз ҳамда укангиздан бўлак ҳеч ким йўқ бўлса. Қолаверса, мен билан укангиз эрталаб кетиб, кеч қайтсак. Ахир шунча нон увол бўлмайдими, — деб ётиғи билан тушунтирдим. Қизим тушмагур ёшлигига борди шекилли:

— Ада, бу нонларнинг ўзини қайтармай, алмаштириб бериш керак экан, қайнонам айтдилар, уят бўлармиш, — деб қолди.

Бу гапдан кейин ортиқча сўзга хожат йўқлигини тушундим ва ёнимиздаги бозорчадан нон олиб чиқиб, алмаштириб бердим. Патирлар эса қўни-қўшниларга тарқатилди, қолгани қотиб, молга берилди.

Шу воқеадан кейин ўйлаб қолдим. Ўзбек хонадонларидаги кўп қўйди-чиқдиларга мана шундай кераксиз олди-бердилар сабаб бўлмаяптимикин? Арзимаган матоҳ учун оилада жанжал чиқиши, оналарнинг қизимга уни-буни қилишим керак дея эрлари билан зиддиятга боришлари, тўйҳашам ва орзу ҳавасни ҳаддан ошириб, қарзга ботишлару исрофгарчиликлар, бунинг ортидан келиб чиқадиган асаббузарликлар балки, бизнинг энг ёмон иллатимиздир.

Кўпинча шу мавзуда гап кетганда «тўғри гапираяпти» деб қўллаймиз-у, яна ўз билганимиздан қолмаймиз, одамлар уят қилади, гапиради дея ҳаддан ошираверамиз. Хўш, бундай ортиқча дахмаза бизга нима учун керак? Ахир одамлар гапириб, «уят» қилаётганидан кўра неъматларнинг увол бўлаётгани бизни кўпроқ ташвишлантириши керак эмасми?

***Сардор БАКИРОВ,***
***муҳандис.***

Таҳририятга Қибрай тумани, «Бинокор» кўчаси 1-уй, 42-хонадонда яшовчи Н. Хабибулинадан келган шикоят мактубида у давлат ички заёми бўйича ҳамда ўз омонат ҳисоб рақамидан нақд пул ололмаётганлигини маълум қилган эди. Ушбу мурожаатга Марказий банкнинг вилоят бошқармаси бошлиғи Мавлон Қосимов имзоси билан жавоб хати олинди.

## ОМОНАТГА ХИЁНАТ ЙЎҚ

Унда маълум қилинишича банк ходимлари шикоят муаллифи билан учрашишган, уни қийнаётган масалага оид вазиятни тушунтиришган. Хусусан, сотиб олинган заёмларнинг амал қилиш муддати 2012 йилгачалиги, шу муддат ичида бу қимматли қоғозлар ўз кучини йўқотмаслиги маълумот тарзида етказилган. Шунингдек, 1993 йилда омонат ҳисоб рақамига қўйилган пул маблағлари «Халқ банки»нинг Қибрай тумани бўлими томонидан бугунги кунгача бўлган фоиз миқдорлари тўлиқ ҳисобланиб, омонат эгасига нақд пулда етказилгани ҳам жавоб хатида айтиб ўтилган.

## 4. ИНСОН ҚАДРИ САРБАЛАНД

**Туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Дурунбетов бизга ҳамроҳлик қилар экан, ўзи раҳбарлик қилаётган соҳада юз бераётган туб ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди.**

Мустақилликнинг 15 йиллигига

# Чиноз тумани: ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ЙЎЛИДА



— 2005-2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастури таълим муассасалари тубдан янгиланишида муҳим қадам бўлди, — деди у. — Хусусан, янги, замонавий кўринишга эга, жаҳон андозаларига ҳар томонлама мос келадиган бинолар қуриб битказилиши, уларни энг сўнгги ўқув қуроллари ва жиҳозлар билан тўлдирилаётгани дастур ижросининг самараси, албатта.

Бу йил тумандаги 3 та умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш, яна шунчасини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Мавжуд 48 та умумтаълим мактаби дастурда белгиланган 5 йил ичида тўла янги қиёфага киради.

Айни пайтда таълим муассасаларида 25 минг 734 нафар ўқувчи билим олмоқда. 28 та мактабгача ҳамда 3 та мактабдан ташқари таълим муассасасида 4 мингга яқин бола тарбияланмоқда.

Албатта, бу жараён устоз мураббийлардан ўзига хос педагогик маҳорат ва чуқур билим, изланишни талаб қилади. Шунинг учун таълим ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнлари такомиллаштирилиб, модернизация қилинган Давлат стандартлари талабларига мос ўқув дастурлари асосида билим берилмоқда. Барча умумтаълим муассасалари замонавий панноллар билан жиҳозланди, ўқитувчиларнинг кийиниш маданиятига оид ягона либосларга ўтиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

— Ўқитувчи ҳар бир хатти-ҳаракати билан ўқувчига ўрнак бўлиши лозим, — дейди Тўлқин Дурунбетов. — Шу маънода ўқитувчининг кийинишдан тортиб, сўзлашиш маданияти, дарс бериш маҳорати ўқувчини ўзига ром этиши зарур.

Бугун туманда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам бир қатор ижобий силжишларни кузатиш мумкин.

Айни кунда туманда 2 та марказий шифохона ишлаб турибди. Шунингдек, жойларда 11 та қишлоқ шифокорлик пунктлари, амбулаториялар аҳоли хизматида. Бу йил «Йўл тушган» ширкат хўжалигида янги қишлоқ шифокорлик пункти қурилиши ҳам режалаштирилган.

— Даволаш-профилактика тадбирлари билан аҳолининг барча қатламлари қамраб олинган, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Умрзоқ Умаров. — Шунингдек, касалликнинг барча турларини даволаш учун имкониятлар мавжуд.

Марказий шифохонанинг ўзида бугунги кунда 50 дан зиёд дори турлари тайёрланмоқда. Бу эса беморларга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда асосий омил бўлмоқда.

Аҳоли саломатлигини сақлашда спортнинг ўрни алоҳида эканлиги яхши маълум. Шу маънода туманда спортни ривожлантириш, айниқса, ёшларни бунга кенгроқ жалб этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолияти бунга яққол мисолдир. Айни кунда бу ерда туманнинг юзлаб ёшлари спорт билан машғул.

— Биргина бокс клубимизда 40 нафар ўсмир шуғулланади, — дейди бокс мураббийи Элдор Вакилов. — Ёш спортчиларимиз орасида номдор боксчиларимиз ҳам бор. Масалан, Сардор Бегалиев Жиззах вилоятида бўлиб ўтган мамлакат биринчилиги мусобақаларида фахрли 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, Ёқубжон Абиев сингари қатор спортчиларимиз ҳам турли мусобақаларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашмоқда.





*СУРАТЛАРДА: туман марказий шифохонаси катта ҳамшираси Ўғилой Мирзакаримова дори-дармонларнинг сифатини кўздан кечирмоқда; жарроҳлик бўлими шифокори Содиқ Хидиров ва ҳамшира Марьям Просвириналар бемор билан тиббий муолажа вақтида; (пастда) туман болалар ва ўсмирлар мактаби мураббийси Элдор Вакилов ёш боксчилар билан машғулот пайтида.*

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Даврон АҲМАД (суратлар), «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.**

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

## МИЛЛИОНЛАР НИГОҲИ ҚАДАЛГАН НУҚТА




Яна икки кундан сўнг Германия яшил майдонларида футбол бўйича 18-жаҳон чемпионати старт олади. Унда дунёнинг энг кучли 32 жамоаси 8 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритади. Ўйинлар Германиянинг 12 та шаҳридаги футбол майдонларида ўтади. Ҳозир барча терма жамоалар Германияга етиб бориб, сўнгги машқларни бошлаб юборишган. Германия ер шарининг турли нуқталаридан келадиган футбол ишқибозларини кутиб олишга шай турибди.

| ГУРУҲЛАР | ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ | | | |
|---|---|---|---|---|
| **А ГУРУҲИ** | 9 июнь | Германия - Коста Рика | А гуруҳи, | 21.00 |
| ГЕРМАНИЯ | 9 июнь | Польша - Эквадор | А гуруҳи, | 24.00 |
| КОСТА-РИКА | 10 июнь | Англия - Парагвай | В гуруҳи, | 18.00 |
| ПОЛЬША | 10 июнь | Тринидад ва Тобаго - Швеция | В гуруҳи, | 21.00 |
| ЭКВАДОР | 10 июнь | Аргентина - Кот Д'Ивуар | С гуруҳи, | 24.00 |
| | 11 июнь | Сербия ва Черногория - Голландия | С гуруҳи, | 18.00 |
| **В ГУРУҲИ** | 11 июнь | Мексика - Эрон | D гуруҳи, | 21.00 |
| АНГЛИЯ | 11 июнь | Ангола - Португалия | D гуруҳи, | 24.00 |
| ПАРАГВАЙ | 12 июнь | Италия - Гана | Е гуруҳи, | 24.00 |
| ТРИНИДАД ВА ТОБАГО | 12 июнь | АҚШ - Чехия | Е гуруҳи, | 21.00 |
| ШВЕЦИЯ | 12 июнь | Австралия - Япония | F гуруҳи, | 18.00 |
| | 13 июнь | Бразилия - Хорватия | F гуруҳи, | 24.00 |
| **С ГУРУҲИ** | 13 июнь | Франция - Швейцария | G гуруҳи, | 21.00 |
| АРГЕНТИНА | 13 июнь | Жанубий Корея - Того | G гуруҳи, | 18.00 |
| КОТ Д'ИВУАР | 14 июнь | Испания - Украина | Н гуруҳи, | 18.00 |
| СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ | 14 июнь | Тунис - Саудия Арабистони | Н гуруҳи, | 21.00 |
| ГОЛЛАНДИЯ | 14 июнь | Германия - Польша | А гуруҳи, | 24.00 |
| **D ГУРУҲИ** | 15 июнь | Эквадор - Коста Рика | А гуруҳи, | 18.00 |
| | 15 июнь | Англия - Тринидад ва Тобаго | В гуруҳи, | 21.00 |
| МЕКСИКА | 15 июнь | Швеция - Парагвай | В гуруҳи, | 24.00 |
| ЭРОН | 16 июнь | Аргентина - Сербия | С гуруҳи, | 18.00 |
| АНГОЛА | 16 июнь | Голландия - Кот Д'Ивуар | С гуруҳи, | 21.00 |
| ПОРТУГАЛИЯ | 16 июнь | Мексика - Ангола | D гуруҳи, | 24.00 |
| | 17 июнь | Португалия - Эрон | D гуруҳи, | 18.00 |
| **Е ГУРУҲИ** | 17 июнь | Италия - АҚШ | Е гуруҳи, | 24.00 |
| | 17 июнь | Чехия - Гана | Е гуруҳи, | 21.00 |
| ИТАЛИЯ | 18 июнь | Бразилия - Австралия | F гуруҳи, | 21.00 |
| ГАНА | 18 июнь | Япония - Хорватия | F гуруҳи, | 18.00 |
| АҚШ | 18 июнь | Франция - Жанубий Корея | G гуруҳи, | 24.00 |
| ЧЕХИЯ | 19 июнь | Того - Швейцария | G гуруҳи, | 18.00 |
| **F ГУРУҲИ** | 19 июнь | Испания - Тунис | Н гуруҳи, | 24.00 |
| | 19 июнь | Саудия Арабистони - Украина | Н гуруҳи, | 21.00 |
| БРАЗИЛИЯ | 20 июнь | Эквадор - Германия | А гуруҳи, | 19.00 |
| ХОРВАТИЯ | 20 июнь | Коста Рика - Польша | А гуруҳи, | 19.00 |
| АВСТРАЛИЯ | 20 июнь | Швеция - Англия | В гуруҳи, | 24.00 |
| ЯПОНИЯ | 20 июнь | Парагвай - Тринидад ва Тобаго | В гуруҳи, | 24.00 |
| **G ГУРУҲИ** | 21 июнь | Голландия - Аргентина | С гуруҳи, | 24.00 |
| | 21 июнь | Кот Д'Ивуар - Сербия ва Черногория | С гуруҳи, | 24.00 |
| ФРАНЦИЯ | 21 июнь | Португалия - Мексика | D гуруҳи, | 19.00 |
| ШВЕЙЦАРИЯ | 21 июнь | Эрон - Ангола | D гуруҳи, | 19.00 |
| ЖАНУБИЙ КОРЕЯ | 22 июнь | Чехия - Италия | Е гуруҳи, | 19.00 |
| ТОГО | 22 июнь | Гана - АҚШ | Е гуруҳи, | 19.00 |
| **Н ГУРУҲИ** | 22 июнь | Япония - Бразилия | F гуруҳи, | 24.00 |
| | 22 июнь | Хорватия - Австралия | F гуруҳи, | 24.00 |
| ИСПАНИЯ | 23 июнь | Того - Франция | G гуруҳи, | 24.00 |
| УКРАИНА | 23 июнь | Швейцария - Жанубий Корея | G гуруҳи, | 24.00 |
| ТУНИС | 23 июнь | Саудия Арабистони - Испания | Н гуруҳи, | 19.00 |
| САУДИЯ АРАБИСТОНИ | 23 июнь | Украина - Тунис | Н гуруҳи, | 19.00 |

**Жаҳон чемпионати – 2006 шов-шувлари**

### ТОГОЛИКЛАР ИЗТИРОБДА

Германияда ушбу фасл учун ғайритабиий бўлган совуқ ҳаво 9 июнда бошланажак футбол бўйича жаҳон чемпионати қатнашчиларига анча ноқулайликлар туғдирмоқда.

Масалан, Того термаси вакиллари машқлар ўтказаётган жойда бир неча бор қор ёғгани жамоани саросимага солиб қўйди. Тоголиклар қўналғасига шошилинч тарзда қалпоқ, кўлқоп ва иссиқ спорт либослари келтирилмоқда.

### МЕЗБОНЛАР ҲИММАТИ

Немислар қоидаларга оғишмай амал қиладиган ва бу қоидаларнинг ўзгаришини унча хушламайдиган халқ.



Шунга қарамай, жаҳон чемпионатига мезбонликлари муносабати билан улар кундалик ҳаёт маромидаги баъзи ўзгаришларга чидашларига тўғри келади.

Хусусан, чемпионат кунлари ўйинлар томоша қилинаётган жамоат жойларида одатдаги шовқин чекловини 10 децибелга оширишга изн берилди.

Бунинг учун махсус рухсатномани имзолаган Германия ҳукумати чемпионат давомида хусусий хонадонларда шовқин кўтаришни тақиқлашни ҳам унутмади.

### ЧИПТА МОЖАРОСИ

Футбол ассоциациялари халқаро федерацияси ЖЧ – 2006 ўйинлари учун Парагвайга ажратилган чипталарни ушбу мамлакат федерацияси томонидан ноқонуний пулланиши билан боғлиқ иш бўйича текширувни бошлаб юборди.

Маълум бўлишича, парагвайликлар ўз термасининг Англия билан бўлажак ўйинига тааллуқли 500 га яқин чиптани Британия агентликларига сотганликларини ФИФА вакиллари сезиб қолишган экан.

## БИР ДАҚИҚА ВА УЧ ОЧКО

**Мамлакат миллий чемпионати олий табақаси жамоалари ўн иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар.**



Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» «Трактор» жамоаси меҳмони бўлди. Тўпурарлар баҳсида пешқадамлар сафида бораётган Камолиддин Мурзаев 35-дақиқада майдон эгалари дарвозасини ишғол қилди.

Учрашувнинг 89-дақиқасигача «Металлург» 0:1 ҳисобини сақлаб турди. Тракторчилар жавоб тўпини киритиб мағлубиятдан қутилиб қолдилар. «Металлург» 13 очко билан ҳамон жадвалда ўнинчи ўринни эгаллаб турибди.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Хоразм» 1:0, «Насаф» — «Қизилқум» 1:0, «Тўпаланг» — «Самарқанд-Д» 1:0, «Шўртан» — «Нефтчи» 1:2, «Сўғдиёна» — «Машъал» 0:1, «Локомотив» — «Навбаҳор» 2:1.

«Пахтакор» 34 очко билан якка пешқадамлик қилмоқда. «Насаф» жамоаси 28 очко билан иккинчи, «Машъал» 26 очко билан учинчи ўринни банд этган.

Навбатдаги ўн учинчи тур учрашувлари 11, 12 июнь кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» 11 июнда ўз майдонида Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоасини қабул қилади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

### ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Творогли пирогни пишираётган вақтда устида ёриқлар пайдо бўлмаслиги учун уни совуқ духовкага солиб, сўнг оловни ёқиш керак.

* * *

Агар салат ёки винегретни дастурхонга тортишдан бироз аввал лимон пўстлогини солиб қўйсангиз, улар янада мазали ва хушбўй бўлади.

Авиация институти томонидан 2000 йилда Романов Александр Владимирович номига берилган 039536 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туманидаги 159-ўрта мактаб томонидан 2001 йилда Березнюк Кирилл Викторович номига берилган O`R-E 0141170 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

I-Тошкент Давлат тиббиёт институти томонидан 2005 йилда Рыбальченко Галина Анатольевна номига берилган 256228 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз тумани Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги Тўрахўжа Аҳмедов номли фермер хўжалигининг ер майдони қайтиб олиниши муносабати билан қайта танлов эълон қилинади.

Аризалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги идораси биносида қабул қилинади.

***Туман тендер комиссияси.***

Собир Раҳимов туманидаги Фурқат номли 196-мактаб томонидан 1976 йилда Абдугапурова Вазира Абдуганиевна номига берилган 019023 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

*Санкт-Петербургдаги антропология ва этнография музейида шарқда яшаган рус ижодкорларининг «Бухоро ипаги ва Шарқ оҳанграбоси» деб номланган кўргазмаси ўтказилди.*

## САНКТ-ПЕТЕРБУРГ МУЗЕЙИДА КЎРГАЗМА

«Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган кўргазмада ўзбекистонлик ва петербурглик олимлар, санъатшунослар, модельерлар иштирок этди.

**«Туркистон-пресс».**

## МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР...

**Нафс устун бўлган жойда адолат мезонлари бузилиши, поймол бўлиши аниқ. Лекин, одамзодда онг, ақл аталмиш бебаҳо бойлик, инсоф, диёнат сингари эзгу фазилатлар ҳам мавжудки, уларга қалбидан жой берган киши зинҳор нафс йўлига кирмайди, унинг қулига айланмайди.**



Бироқ, Зангиота туманидаги «Ҳоддил савдо» хусусий фирмаси раҳбар-сотувчиси Д. Хўжаев ҳақида бундай деб бўлмайди. У 4 хилдаги жами 5 миллион 618 минг 300 сўмлик акциз маркали спиртли ичимликни 2500 АҚШ доллари ва 2 миллион 490 минг сўмга сотиб, харидорга касса чеки ёки квитанция ёзиб бермади.

Туман давлат солиқ идораси ва солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти туман бўлими ходимларининг ҳушёрликлари туфайли шу йилнинг 12 май куни ҳамкорликда ўтказилган қисқа муддатли текшириш жараёнида ушбу ноқонуний фаолият очиб ташланди. Сотилган маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди ва вақтинча сақлаш учун туман «Матлуботсавдо» омборхонасига тегишли ҳужжатлар орқали топширилди. Д. Хўжаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандлари бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Шу ўринда савол туғилади: бундай ҳол содир бўлмаслиги мумкинмиди? Албатта, мумкин эди. Бунинг учун ҳеч нарса талаб қилинмайди, фақатгина нафсни тийиб, инсоф билан иш юритиш лозим эди, холос. Д. Хўжаев буни энди англаб етса ажабмас.

Масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам бор. Иқтисодий, ижтимоий салоҳиятимизни мустаҳкамлашда солиқ тушумлари нақадар муҳим аҳамият касб этишини ҳар бир соғлом фикрловчи фуқаро яхши билади. Д.Хўжаев сингари «тадбиркорлар» эса ўзларининг юқоридаги сингари хатти-ҳаракатлари билан мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлашувига жиддий зарба бераётганликларини наҳотки тушуниб етишмаган бўлса?

Хулоса битта — давлат ва халқ мулкига хиёнат қилиш — энг оғир гуноҳдир. Бунга йўл қўйган кишиларнинг тегишли қонунлар олдида жавоб беришлари шубҳасиз.

**Бахтиёр АЗИМОВ, вилоят солиқ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи.**

Вилоят ҳокимлиги жамоаси вилоят молия бошқармаси бошлиғи

**Фахриддин Абдумаликович ЯЛГАШЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи

**Фахриддин ЯЛГАШЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. Адади 5761. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5